



ҚАРОР ҚАТ'ЙЕВ,
ШИКОЯТГА ҮРИН
БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК

2

8-БАНД
ҚАЙТА КЎРИБ
ЧИҚИЛАДИМИ?



3



ПАРТИЯ ТАШРИФ ҚОҒОЗИ

4



«ЗИНЗИЛБАН»
КЕСМАСИ
САРИ ИЛК
ҚАДАМЛАР

6


МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЯНГАН ТАРАҚҚИЁТ!



milliy

tiklanish

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган www.mt.uz / gazeta@mt.uz / mtiklanish@mail.ru



№ 26 (1128) 2021 йил
7 август, шанба

ТОШКЕНТДА «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашининг навбатдан ташқари VII Пленуми бўлиб ўтди.

Сайловда муносиб иштирок этиш учун барча имкониятлардан фойдаланамиз

Унда партия фаоллари, партиянинг парламент ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.



2-бет



Етакчи аёллар мулоқоти янги босқичга чиқади

Туркманistonнинг Туркманбoши шaҳрида 6 август куни Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги маслаҳат учрашуви доирасида Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқотининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Форумда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти раиси Танзила Норбoева платформа иштирокчиларини самимий кутиб, 2020 йил декабрь ойдан бoён бир қанча учрашувлар ўтказилгани, гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизлар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, бу йўналишда минтақавий ҳамкорлик истиқболлари муҳокама этилганини таъкидлади. Ўзбекистон парламенти юқори палатаси раҳбари мазкур форум алоҳида аҳамиятга эга эканини ва Етакчи аёллар мулоқотини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишини таъкидлади. Чунки унинг аъзолари биринчи марта Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви доирасида тўлиқ таркибда тўпландилар. Бу Марказий Осиё мамлакатлари хотин-қизларининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар жараёнлардаги фаол иштироки, шу орқали минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг бу борадаги саяё-харакатларини қўллаб-қувватлаш йўлидаги иштирокларининг энг юқори даражада эътироф этилиши ҳисобланади. Форум декларациясининг қабул қилиниши Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ва кенг жамоатчиликка долзарб минтақавий ва глобал масалаларни биргаликда ҳал этишга қўмақлашиш, кўп қиррали минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги саяё-харакатларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ҳуқуқлари ва имкониятларига оид масалалар юзасидан нуқтан назар ва истақларни умумлаштириш учун ноёб имконият экани таъкидланди.

Олий Мажлис Сенатининг Ахборот хизмати

ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ УМУМИЙ СУД ТИЗИМИГА



ИНТЕГРАЦИЯ

ҚИЛИНИШИ КЕРАК!

3

ПРЕЗИДЕНТ
БУ – МЕН!

6-бет

«ИНСОНИЯТ ЎЗ
ЎТМИШИ БИЛАН КУЛИБ
ХАЙРЛАШАДИ»

8-бет

ЖАНОБ РАИС

нега Президент қарорига қаршилик қиляпсиз?



7



ОМАД СЕНГА, БАҲОДИР!

8

Сайловда муносиб иштирок этиш учун барча имкониятлардан фойдаланамиз

Кеча Тошкентда «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашининг навбатдан ташқари VII Пленуми бўлиб ўтди. Унда партия фаоллари, партиянинг парламент ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Zoom иловаси орқали ўтказилган Пленумда 2021 йил 24 октябрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида «Миллий тикланиш» демократик партиясининг иштироки, партиядан кўрсатиладиган номзод бўйича таклиф киритиш, партиянинг VII Съездини чақириш ҳамда Съездга делегатлар сайлаш масалалари муҳокама қилинди. Пленумни партия Марказий кенгаши раиси Алишер Қодиров очиб, партиянинг Президент сайловида муносиб иштирок этишини ва бунинг учун бор имкониятлардан фойдаланишни таъкидлади. — Ниҳоят мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим тadbирга старт берилди. Ушбу масалада ҳар бир партиянинг ёндашуви турлича бўлиши мумкин, ammo пировард мақсад Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш ва халқимиз фаровонлигини оширишга ҳисса қўшишдир, — деди партия етакчиси. Пленумда партия Уставида партия ўз мақсадларига эришиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши белгилангани, партиянинг қонунчиликда белгиланган тартибда Президентликка номзод кўрсатиш ҳуқуқи қайд этилгани, Ўзбекистон Республикаси

Президентлигига номзод кўрсатиш таклифини кўриб чиқиш ҳамда Съезд кун тартиби муҳокамасига киритиш партия Марказий кенгаши ваколатига, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзод кўрсатиш эса партия Съезди ваколатига киритиш таъкидланди. Пленумда Марказий Кенгаш аъзоларининг кўпчилик овози билан партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши тўғрисидаги қарор қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси Алишер Келдиевич Қодиров номзоди Съездга кўриб чиқиш учун таклиф қилинди ва бир овоздан маъқулланди. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 63-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сиёсий партия номзод тўғрисидаги маълумотларни сайловга камида етмиш кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиши керак. Шундан келиб чиқиб, Пленумда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиядан кўрсатиладиган бўлажак номзод бўйича тегишли

маълумотларни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиш учун тегишли қарор қабул қилинди. Партиянинг навбатдаги Съездини жорий йилнинг 26 августда ўтказиш белгиланди. Пленумда Съездга делегатлар сайлаш масаласида партия туман (шаҳар) ва вилоят кенгашлари конференцияларини ўтказиш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди. Партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг навбатдаги Конференцияларида партиянинг VII Съездига делегатлар сайлаш, Съездга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Ишчи гуруҳини шакллантириш лозимлиги таъкидланиб, делегатлар сонини 266 нафар этиб белгилаш таклифи билдирилди. Съездга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Ишчи гуруҳи таркибини 21 кишидан иборат тарзда партия Марказий кенгаши, фракция аъзолари ҳамда Марказий кенгаш Ижроия қўмитаси девони ходимларидан тузиш таклиф этилди. Пленумда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Равшан МАҲМУДОВ,
«Миллий тикланиш»
мухбири



✓ Оғриқли нуқта

ҚАРОР ҚАТЪИЙ,



шикоятга ўрин бўлмаслиги керак

«Миллий тикланиш» демократик партиясида ташкил этилган «Ахборот хуружларига қарши самарали курашишда ёшларни сифатли ахборот билан таъминлашнинг долзарб масалалари» мавзусидаги давра суҳбатида миллий медиа маконда ёшларни сифатли ахборот билан таъминлашнинг бугуни ҳолати, ахборот хавфсизлигига қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда ОАВнинг ўрни ва вазифалари, креатив ахборот муҳитини яратишда болалар нашрларининг аҳамияти билан боғлиқ масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Бир қарашда маърифат-парвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг «Бугунги кунда жамиятимизнинг юзини қора қилувчи пасткашлар, ёмонлар, бебошлар, ўғриллар, гийҳвандлар ва нашавандлар кечаги тарбиясига эътибор берилмаган болалардир», деган гапи ушбу мавзуга унчалар алоқадор эмасдир. Аммо...

Маълумотларга қараганда, бугун мамлакатимизда интернет хизматидан фойдаланувчилар сони 22,1 млн.дан ошган. Шундан мобил интернет фойдаланувчилари сони 19 млн.ни ташкил этмоқда. Жами аҳоли пунктларининг мобил алоқа билан қамраб олинishi даражаси эса 97 фоиз,

мобил интернет қамрови эса 87 фоиздан иборатдир. Бунинг натижасида аҳоли, айниқса, ёшларнинг интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти тобора кенгаймоқда. Ана шундай бир пайтда интернет янгиликларидан хабардор бўлиш, дўстлар билан мулоқот қилиш, мусиқа ёки фильм ёзиб олиш учун қираётган ёшлар «Оммавий маданият» ниқоби остидаги маънавий таҳдидлар ҳужуми остида қолаётганларини сезмай қолишяпти. Ёшларни бундай таҳдидлардан ҳимоя қилишнинг ягона йўли эса уларда ижтимоий тармоқлардан самарали фойдаланиш, ахборот, хабар ва маълумотларни таҳлил қилиш кўникмасини шакллантиришдир.

Давра суҳбатида партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Муҳамеджанова шулар ҳақида гапириб, партиянинг «Миллий ахборот маконини барқарор ва хавфсиз ривожлантириш соҳасида»ги вазифаларидан жумладан, «...болалар ва ёшларни жисмоний ва маънавий камолотига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотлардан муҳофаза қилиш ишларини кучайтиришга қаратилган мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий тармоқлардаги айрим саҳифаларни мунтазам ўрганиб келаётганини таъкидлади.

— Афсуски, асосий хулосалар ижобий эмас, — деди Ф.Муҳамеджанова. — Ҳатто айрим телеграм каналларда очикдан-очик жиноят аломатлари кузатилмоқда ва уларга нисбатан зудлик билан

ҳуқуқий чоралар кўрилиши лозим.

Масалан, шу йилнинг 6 май куни «Аёллар ва ёшлар» қаноти томонидан вояга етмаган ахлоқсиз ўсмир қизлар ҳақидаги телеграм канали фаолияти юзасидан ўрганишлар олиб борилганида, каналда 12-17 ёшдаги қизларнинг шахвоний фото ва видео материаллари акс эттирилгани маълум бўлди.

«Ёшларни бундай таҳдидлардан ҳимоя қилишнинг ягона йўли эса уларда ижтимоий тармоқлардан самарали фойдаланиш, ахборот, хабар ва маълумотларни таҳлил қилиш кўникмасини шакллантиришдир.

Каналдан таъмагирлик мақсадларида фойдаланиш ҳолатлари кузатилмоқда. Яъни, ота-оналарнинг эътирозлари, фарзандлари суратини каналдан олиб ташлаш билан боғлиқ мурожаатларига жавобан расмларни каналдан олиб ташлаш учун биткоин орқали маълум миқдорда маблағ талаб қилиш ҳолатлари аниқланган. Ушбу каналда бесоқолбозлик ва бошқа ёт гоёларни унинг рамзий белгиси орқали тарғиб этиш ҳолатлари мавжуд.

Телеграм канал юритувчиси иддао қилаётганидек, каналга қўйилган суратлар қизларнинг очик манбаларидан, яъни уларнинг ўз хоҳишлари билан олинган бўлиши мумкин. Ле-

кин суратлардаги аксарият қизларнинг 12-17 ёшли вояга етмаган ўсмир эканликларини эътибордан қочирмаслик керак. Ваҳоланки, Фуқаролик кодексининг 22-моддасида фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати (муомала лаёқати)

у вояга етгач, яъни ўн саккиз ёшга тўлгач тўла ҳажмда вужудга келган ҳисобланади.

Ф.Муҳамеджанованинг қайд этишича, «Миллий тикланиш» мазкур ҳолатда вояга етмаган ўсмирларнинг муомала лаёқатига эга эмаслигини инобатга олиб, шунингдек, канал фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 165-моддасида белгиланган жиноят аломатлари мавжудлигини назарда тутиб, тегишли тартибда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Жиноят кодексига ҳамда Оила кодексининг бир неча моддалари талабидан тезкор ҳуқуқий чора кўриш лозим, деб ҳисоблайди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

депутати, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад ёшлар таълим-тарбияси ҳаёт-мамонт масаласи эканини, шу боис, мамлакатимизда ёшлар масаласи, айниқса, ёшларимизни китобхонликка қизиқтириш билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати (муомала лаёқати)

— Китобхонлик бўйича турли танловлар ўтказилляпти. Аммо ўша танловлар қанчалик натижа берапти, бу борада жонланиш бўлдимми? Узим ҳам танловга уч йил ҳакамлик қилдим. Тўрт юз, беш юзта китоб ўқиган ёшларни кўрдим. Уларга қанчалик ҳавас қилганимни ҳозир тасвирлаб беролмайман, — деди Хуршид Дўстмуҳаммад.

Тошкент ахборот технологиялари университети профессори, сиёсий фанлар доктори Бахтиёр Омонов эса бу борада урта муҳим таклифни ўртага ташлади. Унинг таъкидлашича, биринчиси, жамият илм билан бошқарилиши керак, илмдан бошқа йўл йўқ. Иккинчиси, Ўзбекистон маънавий хавфсизлик концепцияси яратилиши лозим. Афсуски, Баҳоуддин Нақшбандий бобомиз бошлаб берган гоё қоғозларда қолиб кетди. Яъни, ҳар бир одам камида икки-учта хунарли бўлиши лозим деган гоё. Учунчи таклиф шу билан боғлиқ. Мамлакатимизда «Устоз — шогирд» концепцияси ишлаб чиқилишига эришимиз лозим. «Миллий тикланиш» эса ушбу гоёлар ҳаётийлигини таъминлашда бош-қош бўлиши керак.

Таъкидлаш жоиз, глобаллашяётган дунёда ёш авлодни маънавий таҳдидлар, ёт гоё ва мафқуралардан ҳимоя қилиш

тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Аксарият ҳолларда ижтимоий тармоқлардан жамият ривожини ва тинчлигига раҳна солиш, болалар ва ўсмирлар соғлиғига зарар етказиш, одамлар тафаккури ва дунёқарашини қашшоқлаштириш, миллий ва умуминсоний кадриятлардан узоқлаштириш мақсадларидан фойдаланилаётган бир шароитда афсуски босма оммавий ахборот воситалари, хусусан, республика болалар ва ўсмирлар нашрлари «Тонг юлдузи», «Класс» газеталари, «Гулхан», «Ғунча» сингари нашрларнинг ўрни пасайиб бормоқда. Уларнинг адади ва ижодий ходимларнинг иш ҳақлари камайиб борапти.

— Маънавият, маърифат бизнесга айланмаслиги керак. Фарзандларимиз таълим-тарбияли бўлишини истасак, энг аввало, уларнинг қўлига болалар газети ва журналларини тутқазайлик. Чунки тарбия болаликдан бошланади, деганларидек, китобга муҳаббат ҳам болалар адабиётидан бошланади, — дейди «Гулхан» журнали бош муҳаррири Захро Ҳасанова.

Тадбирда таъкидланганидек, бола тарбияни интернет ва ижтимоий тармоқлардан эмас, аввало, оиладан, ота-онадан, болалар нашрларидан олмоғи лозим.

Давра суҳбатида бундан буён ҳам ушбу мавзунинг изчил муҳокама қилиш ва мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал этишга келишиб олинди.

Феруза ЖАЛИЛОВА,
партия Марказий
кенгаши бўлими бошлиғи

Халқ қабулхоналари умумий суд тизимига



ИНТЕГРАЦИЯ

ҚИЛИНИШИ КЕРАК!

«Миллий тикланиш» демократик партияси аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Халқ қабулхоналарини суд тизимининг биринчи босқичи сифатида шакллантириш, аҳолининг барча мурожаатларига айнан шу босқичда ҳуқуқий баҳо бериш, судда кўриб чиқиш учун қабул қилиш ёки рад этиш тизимини жорий этиш таклифини илгари сурмоқда.

Маълумки, 2017 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ишлар бошқармасининг Фуқаролар қабулхонаси негизда Президент Халқ қабулхоналари ташкил этилди.

Ушбу янги институтнинг асосий вазифаси этиб аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, мурожаатлар билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизимини таъминлаш, фуқароларнинг давлат бошқаруви органлари ҳамда суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқларининг сўзсиз амалга ошириши белгиланди.

Статистик маълумотларга кўра, шу кунга қадар Халқ қабулхоналарига қарийб 5,5 миллион мурожаат бўлган. Уларнинг 5,3 миллиони кўриб чиқилган. Биргина 2020 йилда Халқ қабулхоналарига 1 миллион 196 минг 370дан зиёд мурожаат бўлган. Ушбу мурожаатларнинг 58 фоизи яъни, 693,9 мингтаси ижобий ҳал қилиш ва ҳуқуқий маслаҳат бериш орқали ўз ечимини топган. 373,6 мингдан зиёд мурожаат юзасидан эса эгасига тушунтириш берилган. Қолган 128 минг 870 та мурожаат очиқ қолган. Бу эса ана шу даврда ярим миллион аҳолининг Халқ қабулхоналарига мурожаати қаноатлантирилмаганини, бошқача айтганда, шунча аҳолининг давлат идораларига нисбатан ишонсизлиги яратилганини англатади.

Демак, биз ҳар йили Халқ қабулхоналари орқали ярим миллион аҳолининг давлат идораларига бўлган ишончи-

ни йўқотмоқдамиз. Иккинчи томондан, қабулхоналардаги ўта эркинлик аҳолининг айрим қатламида боқимандалик кайфиятини келтириб чиқаряпти. Буни одамларнинг ҳеч қандай истиҳоласиз

та, иш билан таъминлашда - 55 минг 203 та, уй-жой таъминоти бўйича - 47 минг 307 та, карантин даврида моддий ёрдам, озиқ-овқат ва ҳимоя воситалари билан таъминлашда - 44 минг 293

Шуни қайд этиш жоизки, кейинги пайтларда жамиятда боқимандалик, «менинг дардимни, муаммоимни кимдир ҳал этиб берсин» деган ҳаракат авж олиб кетди. Яъни, бугун кўплаб фуқаролар Халқ қабулхоналарига ўз меҳнати билан эришиши керак бўлган ёки ўзи бартараф этиши мумкин бўлган масалаларда ҳам мурожаат қилляпти. Энг ёмони, бу мурожаатларнинг моҳиятида «Сен амалдорсан, шунинг учун бунга мажбурсан!» деган қарашлар бор.

Шу билан бирга, суд қарорларига тўғри-нотўғри норозилик билдириш одат тусига кирди.

Маълумки, суд қарори доимо иккинчи томон учун мушоҳадали бўлади, чунки ҳаммани ўз қарашлари ва савияси даражасидаги адолати бор. Яна бир масала бу — ҳокимиятларда одамларнинг тоғдек муаммоларини ҳал этишга етарли ресурслар бор ёки йўқлигида. Фуқаролар эса, буни инобатга олмаган ҳолда ўз мурожаатларини ҳал этишни талаб қилмоқда. Албатта, халқнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи бор. Аммо кўп кузатилаётганидек, энди кўпчилик бевосита ўзи ҳал этиши керак бўлган масалаларни ҳам талаб қилмоқда.

Бизнингча, бу механизм одамларнинг ўзгаришига бўлган ҳаракатига салбий таъсир кўрсатади. Маълумки, инсон ўз ҳуқуқи бузилган тақдирда, ҳуқуқини ҳимоя қиладиган институт — судга мурожаат қилиши керак. Аммо агар биз бугун одамлардан ўз ҳуқуқини бузилган бўлса, нега судга мурожаат қилмадик, деб сўрасак, улар судга ишонмайман, деб жавоб берадилар. Шу ўринда кимга ишониши керак? Мансабдоргами? Мансабдорда

эса унинг ҳуқуқини ҳимоя қиладиган ваколат йўқ. Бугун одамлар суд қарорларидан норози бўлиб, амалдорларга мурожаат қилмоқдалар. Фуқаролар мансабдорларни адвокатга айлантириб юборишмоқда. Яхши ният — одамларга ёрдам бериш кўрнишида мансабдор ўзи билмаган ҳолда кўпинча вазифасини суистеъмол қилади ёки ваколатидан чиқади.

Бугун фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқидан фойдаланиш ва мажбуриятларига амал қилиши, жамиятни тизимли ва барқарор ривож учун зарур шарт эканлиги тан олиними муҳим.

Шунинг учун «Миллий тикланиш» демократик партияси Халқ қабулхоналари фаолиятини ислоҳ қилиш керак, деб ҳисоблайди. Яъни, Халқ қабулхоналарини маъмурий суд тизимига интеграция қилиш зарур. Бунда, албатта, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи чекланмайди. Барча ўз мурожаатини амалга оширади. Лекин тақлиф этилаётган институт аҳоли мурожаатларининг тўғри ёки нотўғри эканлигига ҳуқуқий баҳо беради ва ҳаракатга келтиради.

Агар мурожаат ҳуқуқий жиҳатдан тўғри бўлса, масаланинг ечими юзасидан жараён давом эттирилади. Лекин мурожаат тамоман ҳуқуқий асосга эга бўлмаса, нотўғри мурожаат сифатида қабул қилиниб, эгасига қайтарилади ва асослантирилган жавоб берилади. Халқ қабулхоналарини маъмурий суд тизимининг бошланғич босқичи сифатида умумий суд тизимига интеграция қилиш заруриги шу йўл орқали амалга оширилади.

Дониёр ТОШБОЕВ,
журналист

128 минг 870 та мурожаат очиқ қолган. Бу эса ана шу даврда ярим миллион аҳолининг Халқ қабулхоналарига мурожаати қаноатлантирилмаган.

Халқ қабулхоналарига кундалик эҳтиёжларидан ташқари бўлган талаблар билан ҳам мурожаат қилаётганликларидан кўриш мумкин. Ваҳоланки, маҳаллий ижро ҳокимияти ёки бошқа мутасаддилар аҳолининг шахсий муаммоларини ҳал этиш, хусусан, турар-жойларини таъмирлаб бериш, уларни маиший техника билан таъминлашга мажбур эмаслар.

2020 йилги маълумотларни давом эттирадиган бўлсак, қабулхоналарга моддий ёрдам ва ижтимоий нафақалар масаласида — 129 минг 472

та, ер майдони ажратмаслик ёки олиб кўйиш масаласида — 20 минг 491 та, маиший газ баллон билан таъминлашда — 18 минг 588 та, аҳоли уй-жойларини таъмирлаш масаласида — 15 минг 722 та мурожаат бўлганини кўрамиз.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: шунча масала ечими учун маблағ қаердан олинмоқда? Бугун Давлат ва маҳаллий бюджетларнинг «таги кўриниб» қолаётган бир пайтда, кўплаб муаммоли масалаларнинг тадбиркорлар ва фермерлар зиммасига юклатилаётгани адолатданими?

✓ Тарихий бойлик

8-банд қайта кўриб чиқиладими?



2021 йилнинг 16 июль кuni Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислom Цивилизацияси маркази фаолиятини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Шубҳа йўқки, Ислom цивилизацияси маркази фаолиятининг янада раванк топишида мазкур қарор муҳим аҳамият касб этади. Аммо мазкур қарорнинг 8-банди билан танишиб, бироз хавотирга тушдик. Чунки ушбу бандда Марказ ва Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти

тарихий ёзма манбаларни марказлашган ҳолда сақлаш, тадқиқ этиш, уларнинг ҳолатини доимий мониторинг қилиш бўйича масъул давлат муассасалари этиб белгиланган. Марказ бир ой муддатда давлат тасарруфидоги барча музей, кутубхона, архив фондлари ва бошқа давлат муассасаларидаги қадимий кўлэзма ва тошбосма манбалар рўйхатини шакллантириши лозим, дейилган. Бу вилоятлардаги, жумладан Бухоро вилоятидаги қадимий кўлэзма ва тошбосма, тарихий аҳамиятга эга ҳужжатларни «марказлашган ҳолда сақлаш» деб яна олиб чиқиб кетишга йўл очмайдими? Чунки, Бухоро

бундай ҳолатларни кўп кўрган. Кўз ёши қуримай навбатдаги «талаб олиб кетишлар» кўп бўлганини тарих билади. Бухородан совга сифатида, хусусий савдо-сотик, «ихтиёрий олиб кетишлар» натижасида ташиб кетилган қанчадан-қанча бебаҳо жавоҳирлар тақдири ҳалигача ҳам маъхумлигича қолмоқда. Бундай «жудо бўлишлар» ўтмишига назар ташласак, камда 1800 йилларни эсга солади. Хусусан, Бухоро хом тиллоси билан безак берилган ноёб дурдона китобларнинг «олиб кетилиши», китобга безак бериш санъати, хом тилло билан ишлов беришни намоёиш қилиш мақсадида Александр I ҳукмронлиги даврида «Осиё музейи» ташкил этилган

эди. Ана шу музейнинг асосий фонди Ўрта Осиё ва Бухорода кўлэзма, тошбосма қилинган ноёб китоблар билан тўлдирилган эди. Ҳақиқий фактларга таянадиган бўлсак, «Осиё музейи» директори бўлган К.Г.Залеман ўз одамларини Бухорога юбориб, аҳолидан китоб йиғдирган. 1915 йили Залеманнинг гумаштаси В.А.Иванов номи кимса Бухорога келиб, 4 ой ичида 1134 дона кўлэзма китобларни арзимас нархларда сотиб олиб кетган. Ивановни чўнтагини қаппайтирган бу жавоҳирлар VIII-XIX асрларнинг китобат қилиш тарихини ҳам ўз ичига олади. Шу кеча кундузда Бухоронинг турли аср ва йилларда ёзилган 1134 нусха кўз

қароқлари Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида «В.А.Иванов коллекцияси»да сақланаёпти. Бухоро Хушбегиси архив ҳужжатлари тақдирда ҳам ана шундай «кўчиртиришлар» кўп бўлган, десак хато бўлмайди. Бу жудолик оғир кечди. 1930 йили собиқ Иттифоқ Фанлар академияси Шарқшунослик институти, Ленинград бўлими илмий ходими Ф.Б.Растопчин томонидан Ленинградга олиб кетилган бир дунё жавоҳир Бухорога қайтгани йўқ. Қатор аср ва йиллар Бухорода сақланган катта миқдордаги кўлэзма, тошбосма,

тарихий аҳамиятга эга ҳужжатлар ҳам 1938 йилга келиб, Тошкент миллий кутубхонасига олиб кетилди. Шу маънода тарихий манбаларни бир ҳудуддан бошқа ҳудудга кўчириш эмас, илмий дурдоналар сақланадиган ҳар бир маскани замонавийлаштириш, сақлаш шарт-шароитларини яхшилаш бўйича иш олиб борилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу кўлэзмалар эса ўша ҳудуднинг илмий ва сайёҳлик салоҳияти янада ривожланишига ҳам хизмат қилади.

Махсуд МУҲАММЕДОВ,
партиянинг Бухоро вилояти Кенгаши раиси,
халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.

ПАРТИЯ ТАШРИФ ҚОҒОЗИ

24 O'ZBEKISTON PREZIDENTI OKTABR 2021-YIL SAYLOVI

АЙНИ ПАЙТДА

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг 343 468 нафар аъзоси бўлиб, 55 фоизини эркаклар, 45 фоизини эса аёллар ташкил қилади. 30 ёшгача бўлганлари сони 49 фоиздан ошди. Бошлангич партия ташкилотлари сони эса 6916 тани ташкил этади. Партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлари сони 36 нафар, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари сони эса 1300 нафардан ортиқ.




Қонун ижодкорлиги

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоларининг қонун ижодкорлик фаолияти доирасида 5 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилди. Депутатларнинг сайловчилар билан ўтган учрашувларида ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга мўллик 15 та қонун лойиҳаси кенг муҳокама қилиниб, фуқаролар томонидан билдирилган 150 дан ортиқ таклиф, 12 та қонунларда ўз аксини топди. Шунингдек, партия фракцияси аъзолари 19 та қонун лойиҳаларига масъул бўлдилар.

Партия фракциясининг назорат-таҳлил фаолияти доирасида Транспорт вазири, Халқ таълим вазири ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг «Хукумат соати» доирасида ҳисоботлари эшитилди. «Миллий тикланиш» партияси фракцияси масъулликда «Таълим тўғрисида» қонун ва Ўзбекистон Президенти томонидан таълим соҳасида олиб борилаётган ишларнинг жойлардаги ижросини таъминлаш ва назорат қилиш мақсадида Таълим бўйича Парламент комиссияси ташкил этилди.

Комиссия «Миллий тикланиш» партияси фракцияси билан ҳамкорликда 14 та ҳудудда таълим соҳасида олиб борилаётган ишлар ва тизимини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишхўлатларнинг ижросини назорат тартибидида ўрганди.



Мафкура йўналишида

Мафкуравий ишлар ва партия дастурий кўрсатмаларини ишлаб чиқиш йўналишида партия томонидан кўплаб илмий-амалий конференциялар ўтказилди. «Миллий ўзлигини англашда Навоий ва Бобур ижодий меросининг аҳамияти», «Ўзбек тилининг рақамли лингвистик ресурсини яратиш истиқболлари», «Ўзбекистонда ислом молия тизимини таъбиқ этиш истиқболлари ва ҳуқуқий асосларни яратиш», «Абу Али ибн Сино ва замонавий фармацевтикада инновациялар» ва «Сайёр жараёнида кузатувчи, ваколатли вакил ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» мавзусидаги анжуманлар шулар жумласидандир.

Кадрлар комиссияси


Ташкилий-назорат ва кадрлар масалаларида 626 нафар номзод ҳудудий партия кенгашларининг Кадрлар комиссияларида ўрганилиб, 593 нафар номзод партия Марказий кенгаши Кадрлар комиссиясида кўриб чиқиш учун тавсия қилинди.

Ўтган олти ой давомида партия Марказий кенгаши Кадрлар комиссиясининг 10 та йиғилиши ўтказилиб, унда 480 нафар номзод тавсия қилинган лавозимларга мўносиб кўрилди. 30 нафар номзод тавсия қилинган лавозимларга номносиди деб топилди. 22 нафар партия тизимидида фаолият кўриб келаётган ходимлар ротация қилинди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоларига 25 нафар депутат ёрдамчиси бириктирилди.



Сайловолди дастур ижроси

Ўтган ярим йилда «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурининг 52 та банди ижро этилди. Жумладан, 17 та вазифа Қонунчилик, 20 та вазифа Ўзбекистон Президенти Қарор ва Фармонларида, 4 та вазифа Вазирлар Маҳкамаси ва вазирликларнинг қарорларида, 4 та вазифа regulation.gov.uz муҳокамалар порталига жойланган ҳужжатларда таклифлар орқали ақс эттирилган бўлса, 7 та вазифанинг партия томонидан тўғридан-тўғри ижроси таъминланди.



Партия лойиҳалари

Партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган партия лойиҳалари доирасида қуйидагилар амалга оширилди: «Хизмат-беминнат» лойиҳасида 1079 та ўқув курси ташкил этилиб, 2492 нафар хотин-қиз бепул касб-хўнарга йўналтирилди. 2369 нафар ёшга қўшимча бепул таълим берилди.

«Уйма-уй» лойиҳаси доирасида партия «Ёшлар ва Аёллар қанотлари» томонидан 22 715 та хонадон шароити ўрганилиб, 13 584 та муаммоли масала қайд этилди. Натижада 1661 нафар ёш, 1701 нафар хотин-қиз бандлиги таъминланди. Банк кредитлари ажратишида 636 нафар ёш, 867 нафар хотин-қизга амалий ёрдам берилди.

«Сайёр қабул» лойиҳаси доирасида эса 2932 та учрашувлар ташкил этилиб, 6452 нафар аҳоли муаммоларининг 4118 таси ижобий ҳал этилди.

«Депутатнинг бир кунини»

Партиянинг «Депутатнинг бир кунини» лойиҳасида «Миллий тикланиш»дан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар фаолияти бўйича 10 дан ортиқ видеороликлар тайёрланиб, ижтимоий тармоқларда кенг ёритилди. Жумладан, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Навоий, Хоразм, Сурхондарё, Бухоро, Андижон, Наманган, Самарқанд вилоятлари ҳудудий ташкилотлари томонидан видеороликлар тайёрланиб, ижтимоий тармоқларда эълон қилинди.



Онлайн ва офлайн

Партия вакиллариининг сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида 20 га яқин онлайн ва офлайн ўқув-семинарлар ташкил этилди.

Ижтимоий тармоқларда фаоллик, ахборот хуружларига қарши кураш, «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари, депутатлар ва БПЛлар фаолиятини самарали ташкил этиш», «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига муваффақиятли иштирокини таъминлаш», «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидида партиянинг муносиб иштирокини таъминлаш ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотларининг ўрни», «Гендер тенгликка эришиш стратегияси - барқарор ривожланиш омилли» мавзусидаги ўқув-семинарлар шулар жумласидандир.

«Vatandosh bilan suhbat»

Партиянинг «Vatandosh bilan suhbat» лойиҳаси доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги «Ёшлар парламенти» аъзолари, шунингдек, мамлакатимиз ёшларининг хорижда турли соҳаларда ютуққа эришган ҳамюртларимиз билан «Zoom» дастури орқали 7 та онлайн мулоқот ташкил этилди.

Жумладан, Канададаги «SkyPower» ассоциациясини вакили Хамза Турсунов, Германиядаги Берлин Гумбольдт университети доценти, Германия Ер ташкилотлари маркази халқаро лойиҳа раҳбари Абдор Ғафуров, АҚШдаги ҳамюртими Отабек Маҳкамов, Германиядаги педагог Камолдин Бедиев, Япония Нагоя университети профессори Алишер Умирдинов, АҚШдаги Forbes журнаliga киритилган биринчи ўзбекистонлик Бобир Акилханов, «Америка Овози» муҳбири Навбахор Имомовалар билан видеомулоқотлар ташкил этилди.

ПАРТИЯ ОИЛА – ЖАМИЯТНИНГ УСТУНИ, АЁЛ – ОИЛАНИНГ УСТУНИ ЭКАНЛИГИНИ ЭЪТИРОФ ЭТГАН ҲОЛДА АЁЛЛАРНИНГ ТУРМУШ ВА МЕХНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШ УЧУН ҚОНУНЧИЛИККА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ КЕРАК, ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАН

Депутатлар ҳудудларда

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан давлат ва ҳужалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига сайловчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган долзарб масалалар юзасидан 41 та депутатлик сўрови юборилди. Сайловчилар билан 838 та учрашувлар ўтказилиб, уларда 17 минг 863 нафар сайловчи қамраб олинди.

Жойларда 2 869 та ижтимоий соҳа объекти, хонадонлар ва таъбиқорлик субъектлари, 465 та таълим муассасалари ўрганилди. Сайлов округларида ўтказилган ўрганишлар ва учрашувлар доирасида 2483 та муаммоли масалаларга оид мурожаатлар қайд этилди.

ПАРТИЯ МАМЛАКАТДА ЎРТА ҚАТЛАМНИНГ КўЛАЙИШИ ТАРАФДОРИ Бўлиб, АҲОЛИНИНГ ЎРТА ҚАТЛАМИДА ҚАНОАТ ВА ШУҚРОНАЛИК, БОЙ ҚАТЛАМИДА МАСЪУЛИЯТ ВА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ЭЪТИРОФ ЭТИШ, ОЛИЙЖАНОБЛИК КАБИ ХИСЛАТЛАРНИ ОШИРИШНИ ТАРҒИБ ЭТАДИ. АҲОЛИНИНГ РЕАЛ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРИД ҚОВУЛИЯТИНИ ОШИРИШ, ДАРОМАДЛАРИ БўЙИЧА ТАБАҚАЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ ПАСАЙТИРИШ ТАРАФДОРИ.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАН



Ахборот сиёсати

Партиянинг ахборот сиёсати соҳасида марказий ОАВда 407, маҳаллий ОАВда 2358, веб-сайтларда 1468, ижтимоий тармоқларда 22 334, долзарб мавзуларда 1352 марта чиқишлар амалга оширилди. 63 та тadbир бўйича видеороликлар тайёрланиб, ОАВ ва ижтимоий тармоқларга жойлаштирилди.

Муҳим саваллар муносабати билан 14 та қисқа видеороликлар тайёрланди. Партия аъзолари ва депутатлар фикрларидан 21 та ролик тайёрланди. Партиянинг «Йнсон узгармаса, қамият узгармайди!» госянининг мазмунини очиб берувчи 100 дан ортиқ қисқа видеороликлар тайёрланиб, ижтимоий тармоқларда эълон қилинди.



Фуқаролар мурожаати

Фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш йўналишида олти ой давомида 6040 та мурожаат келиб тушди. Унинг 1292 таси ўрнатилган тартибда кўриб чиқилиб, 1478 та мурожаат назоратга олинди. 3417 таси эса ижобий ҳал этилди. Мурожаатларнинг соҳалар кесимидаги таҳлилига кўра, 768 таси коммунал, 1191 таси бандлик, 840 таси ижтимоий ва соғлиқни сақлаш, 507 таси уй-жой ва ер масаласи, 705 таси кредит, 294 таси иш ҳақи, нафақа ва пенсия, 1728 таси эса бошқа масалаларга оиддир.

«Топ-30»талики

Партия ташаббуси билан «Ёшлар келажак драйверлари» I Республика Форуми доирасида «Энг яхши ёш сиёсати», «Энг яхши тақдирот» танловлар, шунингдек, Мунозара-дебат ҳамда «Маҳорат дарслари» ташкил этилди. Республика миқёсида ўтказилган ушбу тадбирларда 30 000 дан ортиқ ёшлар қамраб олинди. Форум доирасида Ёшлар масаласида фаоллик кўрсатган депутатларнинг «Топ-30» талиги эълон қилинди.

«Маҳаллабай» ва «Фуқаробай» ишлар

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ҳудудлардаги ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда «маҳаллабай» ва «фуқаробай» ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш мақсадида 2021 йилнинг ўтган олти ойи давомида 13 610 та хонадонга ташриф буюрилди, 34 481 нафар фуқаро қамраб олинди. Депутатлар ташаббуси билан «Темир дафтарга» 900, «Аёллар дафтари»га 1484, «Ёшлар дафтари»га эса 1683 нафар фуқаро киритилди. Шундан мос равишда 1896, 3007 ва 2764 нафар фуқарога амалий ёрдам кўрсатилди.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жойларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш бўйича 240 та масала-таклифлар киритилди. Доимий комиссиялар ййгилишига эса 567 та таклиф берилди. 842 нафар мансабдор шахсини эшитиш амалга оширилди. Ташкилот ва мутасаддиларга жўнатилган депутатлик сўровлари сони эса 4137 тани ташкил қилди.

Саҳифаларни Ш.Султонова, Ш.Айтбоева ва А.Қосимовлар тайёрлади.



Президент – миллат рамзи. У халқ иродасини, буюк мақсад ва интилишларини ўзига ифода этади. Президентнинг исми-шарифи бир шахс мақомидан чиқиб кетиб, миллат, давлат мақомини олган, уни ўзига ифода этган қадрият.

САЙЛОВ – 2021

ПРЕЗИДЕНТ БУ – МЕН!

Сиёсий партиялар сайловлар жараёнида ҳар галгидан кўпроқ фаоллашиб, ҳокимиятга интилиш, давлат ва жамият бошқарувида мумкин қадар кўпроқ имкониятга эга бўлиш чораларини излашади. Ана шундай жараёнлардан бири президент сайловларидир.

Табиийки, президент сайловлари барча давлатларда парламент сайловларидан кўра масъулиятлироқ, қизиқарлироқ, кўплаб мунозаралар ва тортишувлар асосида ўтадиган, бутун фуқаролар диққатини ўзига тортадиган муҳим сиёсий кампания ҳисобланади. Чунки президент Конституцион мақомига кўра, бутун моҳияти билан давлат рамзи. У давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини намоён қиладиган, умумпланетар масалаларни ҳал қилишда давлат номидан иштирок этадиган, ўз халқи манфаатларини халқаро минбарларда ҳимоя қиладиган шахс.

Айниқса, эндигина тараққиёт йўлига чиқаётган, кўпқиррали ислохотларни амалга ошираётган, янгиланишлар жараёнини бошдан кечириётган мамлакатларда президент сайлови гоётда катта масъулиятни, алоҳида ёндашувни тақозо этади. Кўпчилик ўзгараётган замон ва янгиланишлар мазмунини ўз вақтида англай олмаслиги ҳам бор гап. Турли тушунмовчиликлар, асоссиз мунозаралар ва тортишувлар ана шундан келиб чиқади. Нияти бузуқ, ўз манфаатини жамият манфаатидан устун қўядиган айрим кимсалар ана шу ҳолатдан фойдаланиб қолишади. Асоссиз маълумотлар тарқатиб, жамоатчилик фикрини чалғитишади. Кундалик ҳаётдан маиший камчиликларни бўрттириб, айюҳаннос соладилар. Аслида улар жамиятда гоёвий ва маънавий-руҳий парокандалик юзга келишидан манфаатдор. Бундай пайтда партияларнинг аниқ сиёсий позицияси муҳим аҳамиятга эга.

Фуқаролар парламент сайловларида маълум бир округдан ўз вакилларини сайлашади. Президент сайловида эса, сайловчилар умумий мақсадлар атрофида бирлашиши, давлат ва жамият тақдири билан боғлиқ бўлган масалаларни чуқур англаши лозим бўлади. Чунки улар давлат раҳбарини сайлашади. Бутун мамлакат тақдирини ва халқ истиқболини айна ана шу шахс тимсолида кўриш керак бўлади.

Албатта Президентликка кўрсатилган ҳар бир номзод жамиятда маълум бир мавқега, обрў-этиборга эга

бўлган шахслар бўлади. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам сайловчи кўпчилик номзодлардан фақат биттасини танлайди, унга овоз беради. Ана шундай мураккаб жараёнда сайловчиларнинг хушёрлиги, аниқ хулосага ва мақсадга эғалиги муҳим. Бу эса сиёсий партияларнинг сайлов кампанияси жараёнида номзодларини ҳар томонлама кенг тарғиб қилишини, сайловчилар ўртасида ташвиқот ишларини кучайтиришини, ўзаро ҳурмат ва бир-бирига ишонч тамойилига қатъий риоя қилишни тақозо этади.

Президент сайловининг энг мураккаб ҳолати овоз бериш жараёнида юзага келади. Сайловчи сайлов бюллетенини олгач, махсус кабинага кирганда номзод танлаш жараёнидаги қалб кечинмалари, сиёсий билимдонлик ва ақлий теранлик ўзининг кучини кўрсатади. Ана шундай пайтда сайловчи номзодлар орасидан «Қайси бири менинг тақдиримга, оилам тақдиримга, фарзандларим истиқболимга, уларнинг бахтли-соадатли келажагига кўпроқ кафолат бўла олади?», деган саволга жавоб излашига тўғри келади. Ана шу лаҳза давлат тақдирини, унинг ички ва ташқи сиёсатига, жаҳон меҳваридидаги салобати ва келажаққа қаратилган обрў-этиборига асос яратади. Айна шу лаҳзада давлатнинг қудрати, унинг шон-шавкати янгитдан тугилади.

Дарҳақиқат, президент – давлат ва салтанат рамзи. Давлатнинг бутун маҳобати, ўтмиши истиқболи яхлитлигича, бутун салобати билан президент қиёфасида намоён бўлади. Ҳар бир фуқаро ўз давлатининг герби, байроғи, мадҳияси билан қанчалик фахрланса, президенти билан ҳам шунчалик ғурурланади. Ўзининг бутун борлигини президент тимсолида кўради. Ана шунда унинг давлат ва жамият тақдирини дахлдорлик туйғуси, фуқаролик мажбурияти, сайловчилик масъулияти намоён бўлади.

Президент – миллат рамзи. У халқ иродасини, буюк мақсад ва интилишларини ўзига ифода этади. Президентнинг исми-шарифи бир шахс мақомидан чиқиб кетиб, миллат, давлат мақомини олган, уни ўзига ифода этган қадрият. Де-

мак, ҳар бир фуқаро президент тимсолида ўзини кўради. Ана шу нуқтаи назардан, ҳар бир сайловчи овоз бериш пайтида «Президент – бу мен! Президент – менинг шаъним! Президент – бу менинг мавжудлигим, борлигим ва қадру қимматим!», деган хулосага келади. У ўзининг келажагини, бахтли-соадатли истиқболини, тинч ва фаровон ҳаётини президент тимсолида кўради.

Маълумки, бутун дунёда сайловлар ўзига хос синов даври ҳисобланади. Фуқароларнинг сиёсий фаоллигини, хушёрлигини, ўз тақдирини ва давлат тақдирини бефарқ эмаслигини, аксинча, ўз фуқароси бўлган шонли, шавкатли давлатнинг келажаги учун маълум эканлигини, фуқаролик бурчи ва масъулиятини синовдан ўтказиши. Ана шунда давлат билан жамият, президент билан фуқаро бирлиги, муштараклиги, мақсадлар ва интилишлар уйғунлиги юзага келади. Сайловдан кейинги соғлом сиёсий муҳит, умуммиллий ва умумдавлат манфаатлари атрофида бирлашиб курашиш каби барқарор ижтимоий-сиёсий муҳит яратилади. Натижада ислохотлар самарадорлиги таъминланади.


Янгиланаётган Ўзбекистонда янгича тафаккур, замонавий цивилизация талаблари асосида янгиланаётган мақсадлар муштараклиги сайловлар самарасини белгилайди. Биз бугун ана шундай синов олдидан турибмиз. Бизнинг эзгу мақсадларимиз, покиза ниятларимиз ана шу синовларни гоёт натижадор, гоёт фараҳли бўлишига асос бўлади.



Нарзулла Жўраев,
сиёсий фанлар доктори,
профессор

24 октябрь –

Ўзбекистонда Президент сайлови кунни



ТУРИЗМ

Она заманимизнинг ҳар бир қарич ери мозийдан ҳикоя қилади.

«ЗИНЗИЛБАН» кесмаси сари илк қадамлар

«Миллий тикланиш» демократик партияси Қашқадарё вилояти кенгаши, ЎзФА Археология институти ҳамда вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи билан ҳамкорликда тарих фанлар номзоиди Бахтиёр Сайфуллаев бошчилигида археологик экспедиция уюштириб, вилоятнинг ҳали тадқиқ этилмаган археологик масканларини ўрганишга киришди.

Мутахассислар Китоб геология миллий табиат боғида энг қадимги инсон изларини топиш эҳтимолни юқори эканини таъкидлашмоқда. Шу ўринда айтиш лозимки, шу кунгача боғ ҳудудида қадимги одамлар ишла-тиши мумкин бўлган кўплаб ашёлар топилган.

Ғарбий Зарафшон тоғ тизмаси шарқдан ғарбга томон катта масофага чўзилган бўлиб, у Чақилқалон, Қоратөпа, Зирабулоқ ва Зиёвуддин тоғ массивларидан иборатдир.

Чақилқалон тоғ массивининг жанубий ёнбағрида ҳам нодир ландшафтлар кенг тарқалган бўлиб, шулардан бири денгиз сатҳидан 1500 метрдан бири денгиз сатҳидан 2000 метргача баландликда жойлашган «Китоб геология миллий табиат боғи» ҳисобланади.

Ушбу боғ Урта Осиёда ягона бўлган ва қадимий маъданлардан ташкил топган бўлиб, Ғарбий Зарафшон тиз-

масининг жанубий-ғарбий ён бағрида жойлашган. Бу ерда табиий маъдан ёдгорликлар бўлган палеонтологик, литологик ва стратиграфик тарихий геологик обидалар муҳофаза этила-ди. Палеозой эрасининг куйи ордовик давридан, юқори девон давригача ўтган вақт оралиғидаги қатламлар узлуксиз ер юзасига чиқиб ётади. Уларнинг таркибида ўша даврларда яшаган ҳайвон ва ўсимликларнинг тошга айланган қолдиқлари кўплаб учрайди. Бу қолдиқлар юз миллион йиллаб тарихни ўзига сақловчи муҳим манба ҳамдир.

Агар Зарафшон тоғининг жанубий-ғарбий ёнбағрида Жиннидарё водийси бўйлаб юқорига кўтарилсак, денгиз сатҳидан 2061 метр баландликда жойлашган Бурси Хирмон чўққиси кўзга ташланади. Чўққининг ҳар икки томонида Зилзилбон ва Хўжақўрган сойлари бўлиб, уларнинг ёнбағри асосийлари бўлиб, уларнинг ёнбағридан сан палеозой даври ётқиқларидан ташкил топган. Боғ ҳудуди 300-450 миллион йиллар олдин, ўша даврда мавжуд бўлган Тетис денгизи таъсирида бўлган.

Тетис денгизини яшайдиган ҳайвонлар ўлимидан кейин денгиз тагига чўкиб, ўша пайтда пайдо бўлаётган денгиз ётқиқлари ичига тушиб қолган. Денгиз ҳайвонларининг

юмшоқ тўқималари чириб, устидаги чиғаноқлари денгиз ётқиқлари билан бирга тош қатламларига айланган. Кейинги тектоник ҳаракатлар натижасида бу қатламлар ер юзасига чиққан.

Ҳозирги вақтда сайёрамизнинг кўп жойларида қадим замонларда яшаган оддий ҳайвонлар қолдиқлари йиғилиб қолган тошли қатламлар учрайди. Уларнинг ҳар бири фан учун ўша жойдаги органик ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тўғрисида янги маълумотлар беради. Шу сабабли Зарафшон тизмасининг жанубий ёнбағрида жойлашган миллий боғ табиатнинг ўзига хос феномени бўлиб, Ернинг тузилиши тўғрисидаги билимни янада яққолроқ тасаввур қилишга ва мукамал ўрганишга ёрдам беради.

Олимлар томонидан кўриқхона ҳудудидаги барча геологик даврлар бўйича узилишсиз ҳосил бўлган қатламларни ер юзасига чиқиб ётиши ва уларни ўрганиш учун қулайлиги исбот этилди.

Дунёда Китоб геология миллий табиат боғига ўхшаш яна иккита кўриқхона мавжуд бўлса-да, уларда бу ердагидек мукамаллик йўқ. Масалан, Франциядаги геологик кўриқхонада қатламлар орасидаги узилиш жуда катта.

Китоб геология миллий табиат

боғининг ўзига хос хусусияти шундаки, у ҳудди геологик нодир тошлар билан «олтин халқа» каби ўраб олинганлигидир. Бу ерда нафақат тошга айланган ўсимлик ва ҳайвон қолдиқлари, балки тирик организмлар ҳам муҳофаза қилинади. Кўриқхона ҳудудида 500 дан ортиқ ўсимлик турлари аниқланган, шундан 12 таси «Қизил китоб»га киритилган. Кўриқхонада 200 га яқин доривор ва 30 та манзарали ўсимликлар бор. Ҳайвонот олами 155 турдан иборат бўлиб, аксарият қисми ноёб ҳисобланади ва «Қизил китоб»да қайд этилган.

Юқоридагидек тадбирлар билан эса ҳамкор ташкилотлар билан ушбу боғни ўз мавқеи жиҳатидан халқаро аҳамиятга олиб чиқиш, ЮНЕСКО глобал геопарктармоғига киритиш, «Зинзилбан» кесмасига олиб борувчи йўлдан янги туризм йўналиши сифатида фойдаланиш йўлида дастлабки қадамлар қўйилди, деб ҳисоблаймиз.

Алимардон РАҲМАТОВ,
партиянинг Қашқадарё
вилояти Кенгаши
раисининг биринчи
ўринбосари.

ЖАШНОБЪРАМА

нега Президент қарорига қаршилик қиляпсиз?

Абдулла Авлоний «Хар бир миллатнинг миллат эканлигини кўрсатадурғон оинаи жаҳони унинг тили ва адабиётидир. Тилни йўқотмак, миллатни йўқотмак демакдир. Тил яшоқ, миллат яшар», деган эдилар.

Халқ таълими вазирлиги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда 2021 йил 1 мартга қадар малакали педагог, илмий ходимлар, психолог ва хорижий экспертлар (шу жумладан, Финляндиянинг малакали мутахассислари)ни жалб этган ҳолда Миллий ўқув дастурини ишлаб чиқиши лозим эди. Бугунча барча фанлардан миллий ўқув дастурлари яратилиб, соҳа мутахассислари эътиборига ҳавола қилинди. Бироқ ана шу муҳокамалар жараёнида миллий ўқув дастурларини яратиш учун ишчи гуруҳ таркиби қайси мезонлар асосида шакллантирилган, уларнинг тақлиф-мулоҳазалари эътиборга олинмади. Хўш, таркибга тажрибали ўқитувчилар ва мутахассисларни жалб этишга нима тўқинлик қилган?

Маълумки, кейинги 30 йилда уч марта (1999 йил, 2010 йил, 2017 йил) давлат таълим стандарти талаблари ишлаб чиқилди. Хусусан, таълим ўзбек тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда, узлуksиз таълим босқичларида коммуникатив-нутқий, компетенциявий ёндашувлар асосида ўқитишга йўналтирилган ўқув дастурлари ишлаб чиқилди, мавзулар узвийлигини таъминлаш, такролланишларни бартараф қилиш юзасидан олимлар, амалиётчи ўқитувчилар, методистлар ҳамкорлигида амалий ишлар олиб борилди. Ўқув дастури шу тарзда йилдан-йилга такомиллаштириб борилган бўлса-да, дастур муаллифлари бирор марта моддий рағбатланганлиги йўқ. Жамоатчилик асосида ишлаган ишчи гуруҳларда ўз тилини, миллатини севадиган фойдаланилмади? деган ҳақли бирортаси Миллий ўқув дастурларини яратиш жараёнига жалб этилмади. Мутасаддиларнинг аввалги дастур муаллифлари замонавий дастур яратишга тўқинлик қилишлари мумкин деган хавотирларини тўғри тушунган ҳолда мукамал ўқув дастурларидан умидвор бўлди. Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясида ўтказилган муҳокамада «Ўзбек (давлат) тили» фани миллий ўқув дастури кескин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Мутахассисларда янги дастур билан танишиб чиққач, «Амалдаги дастур қайси жиҳатлари билан бугунги кун талабларига жавоб бермаяпти? Янги дастур тузишда амалдаги дастурда эришилган тажриба ва ютуқлардан нима учун фойдаланилмади?» деган ҳақли саволлар пайдо бўлди. Афсуски, бу саволларга жўяли жавоб берилмади, амалдаги дастурдаги камчиликлар илмий-методик жиҳатдан асосланмади. Амалдаги дастур ва дарслик муаллифлари замондан орқада қолган, хориж тажрибасини билмайдиган ва янгиликни қабул қила олмайдиганлар тоифасига киритилди. Бир сўз билан айтганда, янгилик қилиш керакми, керак, хориж тажрибасини олиш керакми, керак, қабилида иш тутилди.

Қайд этиш жоизки, «Ўзбек (давлат) тили» фанининг миллий ўқув дастурида грамматик мавзуларга

устунлик берилган. Дастурда нутқий мавзулар узвийлиги қайси асосда танлаб олинганлиги ноаниқ, грамматик мавзулар аниқ берилмаган, адабий ўқиш бўйича топшириқ ва матнлар мутлақо киритилмаган. Бу тил ўқитиш методикасига мутлақо зиддир.

Дастурда мавзулар бўйича берилган материаллар аралаш-қуралаш жойлаштирилган бўлиб, такрор ва қайтариқлар жуда кўп. Энг ёмони, дастур чет тиллар қолипи асосида тузилган.

Хусусан, 2-синф учун қўйилган талаблар ўқувчилар учун мураккаблик қилади. Хусусан, «Эгалик қўшимчалари», «Олмошлар», «Богловчилар», «От-кесим ясовчи қўшимчалар» ҳақидаги маълумотлар ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўрганувчилар учун анчайин мураккаб. Мавзуларни беришда чорак тизимига амал қилинмаган, соддадан мураккабга қараб борилмаган. Тавсия этилган нутқий мавзулар ўқувчилар учун мавҳум ва тушунарсиз, ўта саёз. Мавзулар психологик жиҳатдан нотўғри режалаштирилган бўлиб, миллий тарбиямизга зид хусусиятларни, худбинликни шакллантиришга хизмат қилади. Бизнингча, бундай тарбия усулига ота-оналарнинг ҳам ақсарияти тайёр эмас.

«Адабий ўқиш» рукнида берилган мавзулар амалий ишлаш ва нутқий компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилмаган. Дастурда лингвистик компетенция 80%, нутқий компетенция 20% берилган. Бироқ оммавий ахборот воситаларида Республика таълим маркази мутасаддилари томонидан грамматик мавзуларнинг ўрнини нутқий мавзулар эгаллаган, деб нотўғри маълумот берилмоқда. Аслида амалдаги дастур билан Миллий ўқув дастури таққосланганда, грамматик мавзулар сони ортиб, мавзулар мураккаблаганлиги аён бўлди. Бу ўқувчиларнинг ўзбек тилини нафақат ўрганишга рағбатлантиради, балки ўздан бездиришга хизмат қилади.

Ўзбек тили таълим қозоқ, киргиз, тожик, туркман ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган мактабларда ҳам иккинчи тил сифатида ўқитилади. Шундай экан, грамматик ва нутқий мавзуларни тузишда ушбу мактабларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Афсуски, бу жиҳатлар янги дастурда инobatга олинмаган.

Шунинг учун ҳам тақдим этилган мажмуадан ўрин олган Концепция (17-бет), ДТС талаблари (10, 18-27-бет), ўқув дастурларидаги (52-бет) фикрларни қайтадан жиддий кўриб чиқиш керак. Концепциянинг «Тушунтириш хати» қисмидаги «Ўзбек тилининг мақсад ва вазифалари» (58-59-бетлар), «Ўзбек тили дастури мазмуни ва тузилиши» (59-60-бетлар), «Ўзбек тилини ўқитиш методологияси» (60-64-бетлар) бутунлай қайта ёзилиши зарур. Хусусан, «Ўзбек тилини ўқитиш методологияси» қисми муаллифи фан моҳиятидан беҳабар бўлса керак, фализ тил ва саводсиз мақола қолипидидаги фикрлар билан нима демокчи бўлганлиги номаълум. Шу маънода, фаннинг асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатида бу тахлит саводсиз ва мантиқсиз материаллар қандай қилиб ва ким томонидан киритилган, деган савол мутахассисларни ўйга толдирапти.

Миллий ўқув дастурида белгиланган талаблар ҳам тизимлилик асосида берилмаган, улар ўқувчиларнинг психофизиологик хусусиятларига мос келмайди. Масалан, 2-синфда ўқиб тушуниш кўникмаси нотўғри берилган. Нутқий фаолиятнинг 4 асосий турида тинглаб тушуниш биринчи ўринда туради. Чунки ўқувчи дастлаб тинглаб тушунади, кейин гапиради, сўнгра ўқийди ва ёзади. Финляндия тажрибасида ҳам айнан шундай қабул қилинган.

Ўқитувчи ва мутахассислар томонидан билдирилаётган танқидий фикрларга дастур муаллифлари ва унга бош-қош бўлаётган Республика таълим маркази раҳбариятининг тоқатсизлиги, кескин рад этиши кузатилмоқда. Аслида ҳар қандай янгиликни жорий этишда муаллифлар, албатта, миллий тажриба ва маҳаллий шарт-шароитни, мутахассисларнинг фикрини инobatга олиши зарур эди. Халқ таълими тизимидаги халқ таълими ходимларини қайта

«Ўзбек тилини ўқитиш методологияси» (60-64-бетлар) бутунлай қайта ёзилиши зарур.

Миллий ўқув дастурида имловий, услубий, пунктуацион хатолар шунчалик кўпки, бу ўзбек тилини замонавий йўсинда ўргатамиз, деб аюҳаннос солаётганларнинг саводхонлик даражасига шубҳа билан қарашга мажбур этади. Бу эса янги дастур бироз ижодкорлиги ва ҳаракати бор, аммо бу каби муҳим ҳужжатларни тузиш даражасига етиб бормоган, дастур тузиш талабларини билмайдиган тажрибасиз муаллифлар томонидан тузилганлигини кўрсатиб турибди. Чиройли гапира олиш ва тақдимот чоғида актёрлик қобилиятини ишга солишнинг ўзи тилни билиш, ўргатиш учун етарли эмаслигини шундан ҳам билиб олиш мумкин.

Финляндиялик ҳамкасбларимиз ўз тақдимотларида таъкидлаганларидек, янги дастур муаллифлари аввал амалдаги дастурни яхшилаб ўрганиб чиқишлари, ютуқ ва камчиликларини аниқлашлари, сўнгра ўзбек тилининг хусусиятларидан келиб чиқиб, узвийлик ва узлуksизлик тамойиллари асосида соддадан мураккабга йўналтирилган, такрор ва қайтариқларга йўл қўйилмаган, фақат грамматик мавзуларга эмас, нутқий ва адабий ўқиш мавзулари, уларнинг соатлари аниқ берилган дастур тузишлари керак эди. Ўзбекистонда ўзбек тили бошқа тил қолипида солиниб, хорижий тил сифатида ўқитилмайди. Тил ўқитишга аниқ ва табиий фанларга қўйилган талабларни ёки хорижий тилни ўқитиш методикасини қўллаб бўлмайди.

Миллий ўқув дастури бўйича

тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилганда, уларда фаолият кўрсатаётган методистлар, профессор-ўқитувчиларнинг тажрибасидан фойдаланилганда ким ютган, ким ютказган бўларди?!

Маълумки, Миллий ўқув дастурлари таълим мазмунини белгилайди. Унинг мукамал бўлиши таълим сифати ва самарадорлигига, ўқитувчининг ўз фаолиятини кўнгли тўлиб ишлашига ёрдам беради. Шундай экан, ўқув дастурларини яратишда тарафқашлик, моддий манфаат ёки шахсий хусуматни бир четга суриб, ҳамкорликда ишлаш керак. Таҳлиллар ва муҳокамалар тақдим этилган миллий ўқув дастурини шу ҳолатда таълим тизимида жорий қилиб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Бундан эса ана шу муҳим ҳужжат тажрибали мутахассисларни жалб қилган ҳолда қайта тузилиши кераклиги маълум бўляпти.

Гулнора МУҲАМЕДЖАНОВА,
И.М.Губкин номидаги
Россия давлат нефть ва газ
университетининг Тошкент
шаҳридаги филиали доценти,
педагогика фанлари номзоди
Наргиза РАҲМОНҚУЛОВА,
Яшнабод туманидаги 145-мактаб
ўқитувчиси,
Фотима АЙДАРОВА,
Сергели туманидаги 300-мактаб
ўқитувчиси,
Манзура ИСРОФИЛОВА,
Сергели туманидаги 301-мактаб
ўқитувчиси

Янгича ТИЗИМ

Бухоро вилоятида 4-сектор ишчи гуруҳи томонидан одамларни мурожаат қилишга мажбур этаётган муаммоларни маҳалланинг ўзида бартараф қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шофиркон тумани 4-сектор ҳудудидаги «Тезгузар» маҳалла фуқаролари йигинида ташкил этилган сайёр қабулда муаммоси кўпдан бери ижобий ечим топмаётган 34 нафар фуқаронинг масаласи Халқ қабулхонаси, туман ҳокимлиги ва 4-сектор раҳбарлари томонидан қайта кўриб чиқилди. Қабул давомида 4 та мурожаат шу жойнинг ўзида ижобий ҳал этилди. 22 нафар фуқаронинг мурожаати қисқа муддат ичида ҳал этилиши белгилаб олинди.

—Тикув машинаси олиб берилиши бўйича кўп бора мурожаат қилгандим, — дейди «Тезгузар» МФЙ «Тезгузар» қишлоғида яшовчи фуқаро Умида Намозова. — Мурожаатим бугун ўз ечимини топди. Бундан жуда хурсандман. Шунингдек, «Хўжа Ориф» МФЙ, «Сарируд» кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро Мунира Бозорованинг дори-дармон учун моддий ёрдам, шу ерлик Мунаввар Саидованинг невараси учун хусусий мактабгача таълим ташкилотига тўланадиган ойлик тўловида моддий ёрдам берилиши ҳамда Тўлқинжон Тоҳиров ва Дилмурод Аҳмадовларнинг ишга жойлашиш тўғрисидаги мурожаатлари шу ернинг ўзида ижобий ечим топди.

Ижроси муайян вақт ва маблағ талаб этадиган қолган 8 та масала юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди. Ижроси мутасаддилар томонидан назоратга олинди. 4-сектор раҳбари шу кунги сектор ҳудудидаги «Хўжа Ориф» маҳалла фуқаролари йигини «Шофиркон шох кўчаси»даги кўп қаватли уйлар, кўчалар, бўш турган бинолар ва бошқа жойлардаги мавжуд ҳолатларни ўрганди. Ҳудудни ободонлаштириш, ариқларнинг тозаланганлиги ҳолати, ички йўллар, йўлакчалар аҳоли, болалар майдончалари ва аҳолининг муаммоси масалаларини ўрганиб, аниқланган масалаларни зудлик билан ҳал этиш чоралари кўрилди. Ишчи гуруҳи, бу ерда туман ободонлаштириш бўлимининг ходимлари ёрдамида ободончилик ишларини олиб борди. Мазкур хайри ишга маҳалла аҳлининг ўзлари ҳам қатнашди. Ана шундай хайри иш 4-сектор ҳудудидаги «Хоркаш» маҳалла фуқаролари йигини «Новобоши» қишлоғида ҳам давом этди.

Ушбу кўча аҳолисини кўпдан бўён йўл муаммоси қийнаб келарди. Шу ерлик аҳоли, айниқса, ёгингарчилик кўнларида ушбу тупроқ йўлдан минг бир азоб билан ўтиб-қайтишга мажбур эди. Афсуски, қайта-қайта мурожаатлар ҳам шу кунгача чўзилиб келди. Ҳомийлар кўмағида қарийб 300 метр масофадаги мазкур ички йўлга шағал ётқизилди. Махсус техника билан текисланди. Бугунги кунда ҳудуддаги умумтаълим мактабларини янги ўқув йилга тайёр ҳолатга келтириш масаласига сектор раҳбарларининг ўзлари бош-қош бўлмоқда. Хусусан, улар шу кунларда сектор ҳудудидаги умумтаълим мактабларида амалга оширилаётган қурилиш ва таъмирлаш ишларини жадаллаштирди. Ўқувчи ва ўқитувчилар учун муносиб шароитлар яратиш, мактабларни замонавий қиёфага келтиришга ўз ҳиссасини қўшди. Сектор раҳбарининг таъкидлашича, жорий йил август ойининг 10 санасигача 4-сектор ҳудудидаги барча мактаблар янги ўқув йилга шай ҳолатда бўлади.

Айни пайтда аҳолининг яшаш тарзини яхшилаш, қўлай шарт-шароит яратиш, аниқланган муаммоларга ижобий ечим топиш юзасидан ишлар давом эттирилмоқда.

Зариф КОМИЛОВ

Баҳодир Жалоловга 8 август куни Тошкент вақти билан соат 11:15 да америкалик Ричард Торресга қарши бўлиб ўтадиган финал жангида омад тилаймиз.



«Пандемияга қарши кураш – ҳар биримизнинг виждон ишимиз»

ОГОҲЛИК ТАЛҚИНИ

Кўринмас душманлар биз билан бирга, Улар доим қасди жонимиздадир. Гўё дахлдордай ҳар бир тақдирга – Ҳар кун, ҳар соатда ёнимиздадир.

Уйғоқ ҳар бир кўнгил уларга душман, Қадрдон ошноси – ҳар мудроқ юрак. Улар бу борада жиддий уюшган, Уларга лоқайд ва мудроқлар керак.

Фарқи йўқ кекса-ёш, эркакми, аёл – Бани одамзодга алами бордай: Дунёда сиҳатлик топсин дер завол, Тириклик ётсин дер хаста бемордай.

Мўлжал-муддаоси – тўсиқсиз ҳар қалб, Илму маърифатсиз ҳар мия бўлган. Шундоқ тарқаб-тарқаб, бир-бир эгаллаб, Охир келиб катта армия бўлган.

Кибру манманликнинг мавжлари аро Қай лаҳза лоқайдлик лангар ташлагай – Билингни, бу душман эмас беларо, Бу душман шу заҳот лашкар ташлагай.

Лашкар эса ҳеч вақт бехатар бўлмас, Дилларга ин қурган махсуслари бор. Ҳасад, ривъ олтиг яшовчан, ўлмас, Жаҳолат сингари жосуслари бор.

Кўриб тургайдирсан дўсту ёрингни, Фаним гар одамдир – кўриб тургайсан. Билмасанг, сезмасанг зўр авёрингни, Бошинг қайга олиб, қайга ургагисан?..

Уруш пайтидаги танг ҳолат янглиг Жанг кетар шафқатсиз, тун-кун, беомон. Маҳв этар кўринмас қабохат янглиг, Бу душман ёмондир, бу душман ёмон!

Қондош-қариндошинг қаршингдаги-ю, Кам-кўстинг хизматинг, ичингдагидир. Ташингдаги душман ташингдаги-ю, Ичингдаги душман ичингдагидир.

Ер юзин забот этиб олмоқдан аввал, Эричқоқ элларни қилгайдир ишгол. Онеу тафаккурин айлабон қамал, Қулфат ёғдиргайдир, ёғдирар завол.

Қасри бунёдингни емиргай ногоҳ, Кейин наф келтирмас сўнгни пушаймон. Эй инсон, огоҳ бўл, огоҳ бўл, огоҳ, Бу душман ёмондир, бу душман ёмон!

Билгилки, ҳар соат, ҳар лаҳза, ҳар дам, Лоқайд бўлмоқликка ҳаққимиз йўқдир. Қайта яралмагай Ватан ва одам, Бизнинг бошиқа элу халқимиз йўқдир.

Оламда жанг кетар тинҳон ва узоқ, Шайтон ҳам шайланиб ишмармоқда энг. Бундай пайт извоно бўҳтон тарқатмоқ, Халқингга хиёнат қилмоқ билан тенг.

Ҳақ йўли бир бора ўтилгай дебон, Қурбон бўлиб кетган Чўлпонлар ҳаққи, Янги замон қурмоқ эмасдир осон – Мард ва матонатли инсонлар ҳаққи.

Азиз ишифоркорлар, ҳорсин юз-қўзлар, Тулар миҳжжа қоқмай қақраганлар – сиз, Жон олиб, жон бериб, ҳар бемор узра, Миллат соғлигини сақлаганларсиз.

Сўнмагай оламда меҳру вафо ҳам Одамзод қалбининг нур, зиёлари. Огоҳ ҳар бир элни асрар Оллоҳ ҳам, Асрагай азизу авлиёлари.

Кўринмас душмандир гар бало, офат, Уйғоқ юраклардир – уйғоқ посбонлар. Манзилга еткизгай соғ, беталофат – Уйғоқ қарвонларни уйғоқ сарбонлар.

Хушёр бўл, замондош. Уйғон, замондош! Мард зотлар ҳикмати бизга бўлсин ёр. Чунки ортимизда – жигардош, жондош Она Ўзбекистон – бедор Ватан бор.

Офат!



АҚШнинг Калифорния штатидаги урмон ёнгинлари 150 йиллик тарихга эга Гринвилл шаҳарчасини икки соат ичида вайронага айлантирди. «Шаҳарга 1850 йилларда «Олтин васвасаси» даврида асос солинганди», дейилади, «KXTV» тарқатган маълумотда. Маҳаллий аҳоли вакилининг айтишича, «Дикси» деб номланувчи ёнгин икки соатда шаҳарнинг қадимий қисмидаги ёғоч уйларни ўз қомига тортган. Тарихий бинолар, меҳмонхона ва автомобилларга ёқилги қуйиш шохобчаси ёниб кетган. 2010 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотига кўра, шаҳарда 1 минг 129 киши истиқомат қилиши қайд этилган. «Дикси» ёнгини 112,5 минг гектардан ортиқ жойни қамраган.

ЎзА

Мутойиба

«Инсоният ўз ўтмиши билан кулиб хайрлашади»

Коронавирус пандемияси қанчалик даҳшатли бўлмасин, одамзот барибир шу ваҳимали мавзуда ҳам ҳазил-мутойиба қилишга ўзида куч ва журъат топа олди.

Мана, қулоққа чалинган баъзи ажойиб гаплар.

Пандемия бошланган дастлабки кунларда қизиқчи Аваз Охун телевизорга чиқиб айтаяпти:

– Биродарлар, кўркманглр, бу коронавирус Хитойдан чиққан экан, ҳадемай йўқ бўлиб кетади. Нега дейсизларми? Негаки, Хитойда чиққан нарса узоққа бормади.

Катта идорада ишлайдиган танишим гапириб берапти:

– Ишхонамизнинг эшиги олдида иккита дўхтир биттаси фанарчасини ёкиб олиб, ҳар бир ходимнинг томоқ-бурнини текширади, иккинчиси тўппончага ўхшаган асбобини пешонангизга тираб, иссингизни ўлчайди. Хуллас, тартиб-интизом жуда қаттиқ. Бир куни хизмат сафаридан қайтиб ишхонага тушлик пайти кириб келдим. Қарасам, дўхтирларнинг қора-қураси ҳам кўринмайди. Хайрон бўлиб,

вахтёр амакидан сўрадим: «А, бу дўхтирлар тушлик вақтида текширмайдими?».

Вахтёр бўлса илжайиб: «Ака, бу вирус ҳам соат бирда обедга чиқиб кетар экан», дейди.

Касаллик энди тарқала бошлаган кўклам ойлари. Вирус Хитойда пайдо бўлиб, Италияда, айниқса, ўлим ҳолатлари авж олган кунлар.

Иккита аёл телефонда гаплашяпти:

– Вой, ўртоқжон, сизга ўхшаб мен ҳам «ковид» бўлиб кетади, қуриб кеткур ёмон экан, – деса, дугонаси ҳамдирлик билдириб:

– Сизда қанақаси, «китайскийми?» – деса, буниси оғзини тўлддириб:

– Йўқ, ўртоқжон, меники «итальянский», – деб мақтанар эмиш.

Донишмандлар «Инсоният ўз ўтмиши билан кулиб хайрлашади», дейдилар. Илоҳим, аҳли башарни ҳам куйдириб, ҳам кулдириб ўтаётган пандемия билан тезроқ хайрлашиш барчамизга насиб этсин.

Хайриддин СУЛТОНнинг «НАВОИЙ – 30» китобидан олинди.



Хайриддин СУЛТОН
НАВОИЙ – 30

Бошқотирма

Корона печати	... Гира-шира	Йул қўйилган хато	Тола	Элчи	Хусн, кўрк
Валда ҳақида расмий ҳужжат	Ундай	Мехмонхона	Кристиан ... (дизайнер)	Оддий халқ	Бўйи калта от зоти
Жудо бўлган, айрилган	Кино-фильм	Ташқи қиёфа	Мексика пойтахти	Университет раҳбари	... Аннон (БМТ бош қотиби)
Кабоб учун махсус аралашма	Кичик ресторан	Ҳеч қандай ўғарилмас, нақ	Фин архитектори (XX аср)	Лафа, сўз	... Жонс, боксчи
Ақлли, доно аёл	Сунъий ариқ	... Лиза	Кир ювиш кукун тури	Ева ёри	Спарта деҳқони
Халқ, халойиқ	Ж. Корей пули	Денгиз флотиди оддий аскар	Бақа тури	Мальдив таңгаси	... Крофт, ТомБ Райдер
					Хилофат хизматкори, "Ревизор"
					Юз йил ... де-Жанейро

Ҳафталик об-ҳаво маълумотлари

Kun	Harorat	Tavsif	Yog'in-garchilik
Shanba 7 avgust	+38° +22°	ochliq havo	0%
Yakshanba 8 avgust	+39° +22°	ochliq havo	0%
Dushanba 9 avgust	+38° +20°	ochliq havo	0%
Seshanba 10 avgust	+37° +19°	ochliq havo	0%
Chorshanba 11 avgust	+37° +19°	ochliq havo	0%
Payshanba 12 avgust	+37° +20°	ochliq havo	0%
Juma 13 avgust	+37° +21°	ochliq havo	0%

Келинг, бир кулишайлик!

Икки жинни ҳовуз бўйида ўтирганмиш. Бири туриб сувга қанд отибди. Сўнгра ҳовуздан бир ютум сув олибди ва шеригига «сувга қанд ташладим, аммо ширин бўлмабди», дея тупуриб юборибди. Шунда шериги «тентак уни аралаштирмадингку!» дермиш.

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси, Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ, Минҳожиддин МИРЗО, Нодир МУХТОРОВ, Одилжон ТОЖИЕВ, Отабек ЖИЯНБОЕВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортикали ҚОЗОҚОВ, Феруза МУҲАМЕДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА, Шавкат ШАРИПОВ, Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир: Миродил АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарк қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррир:

Равшан МАҲМУДОВ
Навбатчи: Вилоятхон ШОДИЕВА
Дизайн гуруҳи: Маъмуржон ҚУДРАТОВ, Умид АРСЛОНБЕКОВ, Фирдавс ХАМИДУЛЛАЕВ, Соҳиба СОЛИЕВА

ТЕЛЕФОНЛАР: Кабулхона (факс): (71) 232-12-03, +99897 755-10-11

Газета «SHARQ» нашриёт-маتبха акциядорлик компаниясида chop этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Газета ҳафтаининг чоршанба куни чиқади.

Адади – 24 976. Газетанинг баҳоси келишилган нархда. Қоғоз бичими: 350x587. Ҳажми: 4 босма табоқ. Буюртма – 816. Босишга топшириш вақти 21.00. Топширилди 4:00

Электрон почта: ISSN 2010-7714